

БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдусаломова Нодира Баходировна

ТДИУ Бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудури, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), доцент. Тошкент, Ўзбекистон, n.abdusalomova@tsue.uz

Аннотация

Ушбу мақолада муаллиф бизнес жараёнларини ташкил этиш долзарб масалаларини, бухгалтерия ҳисобида бизнес жараёни ҳисобининг ташқи муҳитга мослашиши, бухгалтерия ҳисоби бизнес жараёнининг натижалари, ички стандартларнинг зарурий мезонларини ишлаб чиқишда бизнес жараёнларининг ўрни ҳақида тўхталиб ўтган.

Калит сўзлар: бизнес жараёни, ишлаб чиқариш, таъминот, сотиш, бошқарув ҳисоби, ҳисоб сиёсати.

Аннотация

В данной статье автор акцентирует внимание на актуальных вопросах организации бизнеса, адаптации учета бизнес-процессов к внешней среде, результатах учета бизнеса, роли бизнес-процессов в разработке необходимых критериев внутренних стандартов.

Ключевые слова: бизнес-процесс, производство, снабжение, сбыт, управленческий учет, учетная политика.

Abstract

In this article, the author focuses on current issues of business organization, the adaptation of business process accounting to the external environment, the results of business accounting, the role of business processes in the development of the necessary criteria of internal standards.

Keywords: business process, production, supply, sales, management accounting, accounting policy.

Кириш

Замонавий компаниялар ўз фаолиятини амалга оширишда турли хил ички ва ташқи маълумот манбаларига таянадилар. Бизнеснинг кенгайиш тенденцияси ва унга киритилган элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши турли хил иқтисодий фаолият субъектлари томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишда ахборот сифатига, шу жумладан бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган талабларни объектив равишда оширади. Бухгалтерия ҳисоби нафақат ахборот манбаи, балки иқтисодий сиёсатни шакллантириш elementi, бизнес қуроли, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишни бошқариш механизмидир. Бухгалтерия ҳисобини бизнес жараёнлари шаклида ташкил этилиши корхона бошқарув тизимини яратишнинг асосий шартидир. Ўз соҳаларида етакчи бўлган тармоқ компанияларида бошқарувни ушбу йўналиш асосида ташкил этиш бир неча йиллардан бери амалга оширилмоқда, ammo компанияларнинг аксарияти бизнес жараёнларини тартибга солиш билан шуғулланмайди, бу эса уларни раҳбарлардан янада узоқлаштиради ва бошқарувни қийинлаштиради. Ахборот технологияларини ривожланиши ва

такомиллашиши ва уларни бухгалтерия ҳисоби жараёнига жорий этилиши бухгалтерия ҳисобида бизнес жараёнларини ҳам ўз ичига олган якуний бизнес жараёнларини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш нафақат иқтисодий фаолият бўйича маълумотларни ҳужжатларда қайд этишнинг анъанавий усуллари, балки прогноз ҳисоботини шакллантиришга, бухгалтерия ҳисоби функцияларини молиявий бошқарувнинг турли функциялари билан ўзаро боғлаш воситаларига асосланиши керак. Бундай имкониятга фақат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) тан олиш ва унга мувофиқ ҳолда ҳисоботлар тузиш ва уларга мувофиқ бизнес жараёнларини ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Шунингдек, халқаро компаниялар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳамда илғор воситалар ва тажрибалардан фойдаланган ҳолда корхона бизнес жараёнларини ташкил этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[1] ПҚ-4611 сонли қарорининг қабул қилиниши компаниялар бошқарув тизимларида илғор хорижий тажрибалар ва инструментлардан фойдаланишни кўзда тутади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мавзуга оид иқтисодчи олимларнинг фикрларини муҳокама қилсак, бизнес жараёни жуда кўп ва турли ҳил, айна пайтда жуда ўхшаш таърифларга эга.

Масалан, А.В.Шеернинг таъкидлашича бизнес жараёнини “Олдиндан белгиланган қоидаларга мувофиқ дастлабки ҳом-ашё, материал ёки маълумотни якуний маҳсулотга (хизматга) айлантирувчи такрорланадиган ҳаракатларнинг ва функцияларнинг боғланган тўпламидир”[2].

ISO 9000 халқаро стандартига кўра жараёни “киришни чиқишга айлантирувчи ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир қилувчи операциялар (фаолиятлар тўплами)” сифатида таърифланади[3].

В.Репин, В.Елиферовларнинг таъкидлашича “Бизнес жараёнлари шундай тузилганки, ҳар бир жараён манфаатдор томонлар учун хизмат қилиши керак. Бизнес жараёнини аниқлашда кераксиз ҳаракатлар чиқариб ташланади[4].

Бизнингча, бизнес-жараёни, шунингдек, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ходимларнинг энг минимал сонини ўз ичига олиши керак. Сабаби бу тартиб маҳсулот ёки хизмат таннархини (бизнес жараёнининг натижасида) камайтириш учун зарурдир.

Бизнес жараёнлари ва жараён ёндашувини ривожланиши сифат менежменти тизимларига қўйиладиган талабларни тавсифловчи бир қатор ISO 9000 стандартларини ишлаб чиқди. Жараёнли ёндашуви сифат менежментининг саккизта асосий тамойилларидан биридир. Жараёнли ёндашувнинг моҳияти жараёнларни аниқлаш ва корхонадаги жараёнлар тизимини ва бундай жараёнларнинг ўзаро таъсирини бошқаришдир. Жараёнлар тармоғини ва уларнинг ўзаро таъсирини яратиш орқали жараёнлар ягона тизим сифатида бошқарилиши керак [3].

Бизнинг фикримизча, агар корхона жараёнли ёндашувдан фойдаланса, демак у фаолият ва ресурсларни жараён сифатида бошқаради.

Жараёнли ёндашуви манфаатдор томонлар учун қиймат яратиш мақсадида бизнесни ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали усули ҳисобланади.

Агар функционал ёндашувда бошқарув ташкилий бирликларнинг функцияларидан ўтса, жараёнли ёндашувда бошқарув объектлари жараёнлар

ҳисобланади, натижада жараён бир нечта бўлимларга таъсир қилади ва шу орқали бошқарилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини бажаришда методологик базаси бўлиб маълумотларни тўплаш, кузатиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида тадқиқотнинг иқтисодий муносабатларни ва уларнинг ривожланишидаги ҳодисаларни ҳамда ўзаро боғлиқликларни ўрганишга нисбатан ялпи ва тизимли ёндашувларни назарда тутувчи умумий илмий принциплари хизмат қилди. Тадқиқот жараёнида тадқиқотнинг умумий илмий ва махсус усуллари – таҳлил, усуллари, иқтисодий ҳодисаларни баҳолашга нисбатан мантиқий, ялпи ва тизимли ёндашувлар қўлланилди. Тизимли ёндашув бизнес жараёни тушунчасига аниқлик киритиш, бизнес жараёнини шакллантириш концепциясини, бухгалтерия ҳисобини юритишда бизнес жараёни тизимини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қўлланилди. Муаммога нисбатан ялпи ёндашув бизнес жараёнини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби, бошқарув ҳисоби, иқтисодиёт тармоғи корхоналарини бошқариш соҳасида тадқиқотлар ўтказишни белгилаб берди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ҳозирги вақтда бизнес жараёнини аниқлашга ягона ёндашув мавжуд эмас. Унинг асосий характеристикаси шундаки, ҳар қандай иш жараёни ички ёки ташқи истеъмолчига эга. "Бизнес жараёни" тушунчасига қуйидаги ёндашувларни ажратиш мумкин:

- ҳаракатлар (ташкилий фаолият) сифатида;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- жараённинг асосий мақсадларидан бири;
- махсус тизим сифатида;
- қўшимша қиймат яратиш механизми сифатида.

Бизнес жараёни бу шунчаки ҳаракат эмас, балки бизнес стратегияси, бизнес моделлари ва доимий операциялар ўртасидаги боғлиқликдир. Бу бизнес модел моҳиятининг моддий ифодасидир. Бизнес-жараёнлар компанияда амалга ошириладиган фаолият турлари ва истеъмолчилар билан муносабатлар ўртасидаги мантиқий боғлиқликларнинг моҳиятини белгилайди. Шундай қилиб, бизнес жараёни умумлаштирилган шаклида бу короҳона фаолиятининг режалаштирилган натижасига эришиш ва кириш ва чиқишларга эга бўлиш учун зарур бўлган такрорланадиган ҳаракатлар кетма-кетлигидир.

Бухгалтерия ҳисобини ягона бизнес жараёнига ажратиш, бу етказиб берувчилардан мижозларга асосий фаолият орқали операцияларнинг кетма-кет оқимини ташкил этувчи корхона бўлинмалари операциялари тўплами.

Бизнес жараёнлар короҳона мақсадларига мувофиқ равишда ташкил этилиши ва самарадорлик талабига жавоб бериши керак. Бу эришилган натижалар ва ишлатилган ресурсларнинг нисбати сифатида тушунилиши, ҳамда бизнес жараёнларни бошқариш учун уларни тўғри аниқлаш, тавсифлаш ва оптималлаштириш керак.

Бизнес жараёнлари, ўз навбатида, жараёнли тадбирлар ёки бизнес функцияларининг тўплами ҳисобланиб, ҳам ахборот технологиялари, ҳам ходимларнинг малакаси билан белгиланади.

Юқори сифатли бизнес-жараённи ривожлантириш учун маълумотлар базаларига, ERP тизимларига, дастурий таъминотга, компьютер ускуналарига, етарли сервер ҳажмига эътибор бериш керак.

Ходимларнинг зарур касбий тайёргарлиги, керакли кўникма ва малакаларга эга бўлиш ташкилотнинг ижтимоий инфратузилмасига айланиши керак бўлган бизнес жараёнларини ўзгартириш ва такомиллаштиришга имкон беради.

Самарали бизнес-жараёнларнинг шаклланишига уларнинг турли хил мезонларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин бўлган тўғри таснифи ёрдам беради, лекин кўпинча асосий ва ёрдамши бизнес жараёнлар ажралиб туради.

Бундан ташқари, ривожланиш ва такомиллаштириш жараёнлари ажралиб туради. Корхона бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳисобини бизнес жараёнларини қуйидаги йўналишларда шакллантириш мақсадга мувофиқ:

- ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- операцион фаолият;
- ҳисоби;
- ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш;
- қўллаб-қувватлаш.

Бухгалтерия ҳисоби жараёнларининг расмийлаштирилиши ва батафсил тавсифи уларни бошқаришга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, бизнес жараёни қуйидагиларда намоён бўлади:

– истеъмолши учун нафлик касб этувчи, бир ёки бир неча ресурслардан фойдаланиб, ушбу фаолият натижасида маҳсулотлар (хизматлар) яратиладиган турли хил фаолиятлар тўпламидир;

– бизнес – фаолиятнинг аниқ натижаси учун бажариладиган мантиқий ўзаро боғлиқ ҳаракатлар тўпламидир;

– аниқ истеъмолши ёки бозор учун, ўзига хос маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириб, тартибланган ҳамда тугалланган ҳаракатлар тўпламидир;

– ташкилий қурилмалар орқали аниқланадиган, ишлаб чиқарилган товар (маҳсулот, хизмат)нинг қийматини ўсишини таъминловчи, товар (маҳсулот, хизмат) истеъмолчисининг қурилмасини қисман ишга тучирувчи моҳиятдир;

– мижозга зарур бўлган ва қиймати, узоқ муддат хизмат қилиши, сервис ҳамда сифати билан унинг эҳтиёжларини қондирувчи, бир ёки бир неча ишлаб чиқариш босқичларидан ўтиб ва маҳсулот яратиш билан тугалланувчи фаолият.

– яқин келажакда буюртмачи учун фойдали бўлган маҳсулот ёки хизматни яратиш учун корхона ресурсларидан фойдаланувчи мантиқий ўзаро боғлиқ ҳаракатлар мажмуасидир;

– субъектларнинг ишида исталган фаолият турларидир.

Шунингдек, бизнес жараёнини самарали бошқариш учун унинг лойиҳаси орқали амалга оширилади, бунда барча кириш (К), чиқиш (Н), элементлари (Б), механизмлар (М), трансформатсия жараёнлари ва ишлашни баҳолаш функцияси (И) аниқланган бўлса, бизнес жараёни аниқланади ва бошқарилади. Бизнес-жараёнларни бошқариш

жараёнлари трансформация жараёнида ҳал этишга бевосита таъсир кўрсатадиган қонунчилик, қоидалар ва стандартлар таъсирида амалга оширилади (1-жадвал).

1-жадвал

Бухгалтерия ҳисобида бизнес жараёни ҳисобининг ташқи муҳитга мослашиши

<i>Бошқариш</i>	<i>Тавсифи</i>
<i>B1</i>	Фуқаролик, солиқ қонунчилиги
<i>B2</i>	Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: қонунлар, бухгалтерия қоидалари, кўрсатмалар ва бошқалар.
<i>B3</i>	Корхонанинг ҳисоб сиёсати, ички стандартлари, кўрсатмалари, йўриқномалари ва бошқалар.

Манба: Муаллиф ишланмаси

Шунингдек, бизнес жараёнининг маълумотлари субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақиқатдаги кўрсаткичлари, ташқи (валюта курсининг ўзгариши, суд қарори ва бошқалар) ва ички муҳитдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради (2-жадвал).

2-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби бизнес жараёнлари маълумотлари

<i>Кирувчи маълумотлар</i>	<i>Тавсифи</i>
<i>K1</i>	Бухгалтерия ҳисоби ва назорат тартибини талаб қилувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақиқатдаги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар.
<i>K2</i>	Бирламши бухгалтерия ҳисоби маълумоти ва молиявий-хўжалик фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар
<i>K3</i>	Таъминловчилар, харидорлар, ҳамкорлар ва корхонанинг бошқа пудратчилари тўғрисидаги маълумотлари
<i>K4</i>	Таҳлилий маълумотлар

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бухгалтерия ҳисоби жараёнларининг натижалари бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобининг турли хил ҳужжатлари шаклида тузилган маълумотлар бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби бизнес жараёнининг натижалари

<i>Жараён натижаси (Чиқувши маълумотлар)</i>	<i>Тавсифи</i>
<i>H1</i>	Бухгалтерия ҳисоби ва назорат жараёнларини ҳужжатлар, маълумотлар базаси элементлари ва бошқалар бошқаришида бажариш натижаси (ички аудит ва бошқалар).
<i>H2</i>	Фаолиятнинг жами маълумоти, ишлаб чиқариш ҳисоботи
<i>H3</i>	Ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар
<i>H4</i>	Бухгалтерия ҳисоби, солиқ, ишлаб чиқариш, статистик ҳисобот

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бухгалтерия ҳисоби жараёнларининг ресурслари ҳодимлар, корхона егаллаган майдони, ишлаб чиқариш жараёнига киришдан то унинг чиқишигаша бўлган маълумотларни акс эттиришда ишлатиладиган ускуналар ҳисобланиши керак.

4-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби бизнес жараёни ресурслари

<i>Ресурслар</i>	<i>Тавсифи</i>
<i>M1</i>	Бухгалтерия хизмати ҳодимлари ва бошқа исчи ҳодимлар (масалан, таъминот бўлими ҳодимлари ва бошқалар)
<i>M2</i>	Бухгалтерия бўлими ходимлари фойдаланадиган офис майдони
<i>M3</i>	Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ишлатиладиган ускуналар (компьютерлар, дастурий таъминот, алоқа: телефонлар, Интернет ва бошқалар)
<i>M4</i>	Воситалар (дастурий таъминот, расмийлаштирилган бухгалтерия жараёнлари, масалан, бухгалтерия оператсиялар тўплами ва бошқалар).

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бизнес жараёнлари ҳисоби ахбороти истеъмолчиларини аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади (5-жадвал).

5-жадвал

Бизнес жараёни ҳисоби истеъмолчилари

<i>Истеъмолчилар</i>	<i>Тавсифи</i>
<i>I1</i>	Ички фойдаланувчилар
<i>I2</i>	Ташқи фойдаланувчилар
<i>I3</i>	Бошқа бизнес жараёнлар

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бухгалтерия ҳисоби жараёнларига субъектнинг фаолият кўлами, ташкилий шакли ва тузилиши ҳам таъсир қилади. Бизнес-жараёнларни қўйи жараёнлар ва бизнес функцияларига ажратиш мумкин, бу уларни батафсилроқ бошқаришга имкон беради. Бизнес-жараёнларнинг йўналишлари йирик корохналар учун батафсил қўйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Бизнес жараёнлари ҳисоби тавсифи

Бизнес жараёнлари ривожланиши ва такомиллашиши	Ташқи муҳит мониторинги: қонунчиликдаги ўзгаришлар, рақобатчиларнинг ҳаракатлари.
	Ташкилий: ҳисоб сиёсати, ички стандартлар, шериклар билан ўзаро ҳамкорлик тамойилларини шакллантириш. Иш жараёни: ҳужжатлар шакллари, иш ҳажми жадваллари. Солиқ стратегиясини режалаштириш, дивиденд сиёсатини шакллантириш.
	Стратегик ривожланиш: инновацияларни ҳисобга олиш; ташкилот самарадорлигини баҳолаш; стратегик бухгалтерия ҳисоби; прогноз ҳисоботини шакллантириш.
	Лойиҳани бошқариш: бухгалтерия ходимларининг ўзини ўзи баҳолаш; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини эксперт баҳолаш; Беншмаркинг
Оператсион бизнес жараёнлари	Узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш: узоқ муддатли активларга инвестицияларни ҳисобга олиш, асосий воситаларни ҳисобга олиш, лизингни ҳисобга олиш, узоқ муддатли ижарани ҳисобга олиш, узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш.
	Товар-моддий захиралар: моддий бухгалтерия ҳисоби, қисқа муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш
	Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш: тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш: товар маҳсулоти харажатларини ставка бўйича ҳисобдан чиқариш, меъёрлардан четга чиқишни ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш харажатлари тўплами.

	<p>Билвосита харажатларни ҳисобга олиш (умумишлаб чиқариш ва умумий бизнес харажатлари); харидор томонидан етказиб бериладиган хом ашё харажатларини йиғиш ва ҳисобга олиш. Яроқсиз маҳсулотни ҳисобга олиш. Тугалланмаган ишлаб чиқришни инвентаризация қилиш. Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларни ҳисобга олиш. Ёрдамши ишлаб чиқариш учун харажатларни ҳисобга олиш: ёрдамши ишлаб чиқариш ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш, ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисобини ёпиш, ишлаб чиқаришни қисқача ҳисоби. Маҳсулот ишлаб чиқарилишининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш ҳисоботини шакллантириш; ҳар бир модда бўйича ҳисобот харажатлари сметаси.</p> <p>Нақд пул оқимларини бошқариш: жорий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини ҳисобга олиш, инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини ҳисобга олиш, молиявий фаолиятдан келиб тушган пул оқимларини ҳисобга олиш.</p> <p>Ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш: етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа контрагентлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш. Ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш: ходимларнинг нафақаларини ҳисобга олиш, ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар, хизмат сафарлари учун ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш, ҳисоб-китоб қилинадиган суммалар бўйича ҳисоб-китоблар, бошқа оператсиялар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш.</p> <p>Солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш. Таъсичилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш.</p> <p>Хусусий капитални ҳисобга олиш; устав капиталини ҳисобга олиш; қўшимша капитални ҳисобга олиш; захира капиталини ҳисобга олиш.</p> <p>Экологик харажатларни ҳисобга олиш: капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш. Жорий харажатларни ҳисобга олиш. Мажбуриятларни шаклланишини ҳисобга олиш</p> <p>Балансдан ташқари моддалар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш ва ошкор қилиш: ташкилот томонидан учинчи шахсларга кафолат шаклида берилган гаровни ҳисобга олиш. Балансдаги активларни ҳисобга олиш. Форвард оператсияларининг молиявий воситалари (форвардлар, фьючерслар, опсионлар, своплар ва бошқалар) тўғрисида маълумотни шакллантириш.</p>
Ҳисоби бизнес жараёнлари	<p>Бюджетларни шакллантириш Бюджет ижросини назорат қилиш Харажатларни назорат қилиш</p>
Бизнес жараёнларини шакллантириш ва ҳисобот бериш	<p>Ҳисоботларни тайёрлаш ва ички фойдаланувчиларга тақдим этиш: ишлаб чиқариш; башорат қилиш; бюджетларнинг ижроси. Ташқи фойдаланувчиларга ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш: молиявий оралиқ ва йиллик; статистик; солиқ декларацияларини шакллантириш ва тақдим этиш. Ҳисоботга тузатишлар киритиш. Барқарор ривожланиш тўғрисида ҳисобот</p>
Бизнес жараёнларини қўллаб-қувватлаш	<p>Ички назоратни ташкил этиш. Бухгалтерия бўлими иши учун инфратузилмани таъминлаш (компютер билан таъминлаш, ахборот технологиялари, иш жойларини ташкил этиш ва бошқалар). Бухгалтерия ходимларини бошқариш: ижодий қобилиятларни очиб бериш, малакасини ошириш, ахборот тизимини ривожлантириш. Ахборот хавфсизлиги.</p>

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бухгалтерия ҳисоби жараёнлари тизими бухгалтерия ҳисоби муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган бўлиши керак, уларни ривожлантириш қатор вазифаларни қўяди, сабаби ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа ташкилотларда жараёнлар сезиларли даражада фарқ қилади.

Бухгалтерия ҳисоби жараёнлари таркибига фаолият қўлами, ташкилий шакли ва тузилиши ҳам таъсир қилади. Бизнес-жараёнларни қўйи жараёнлар ва бизнес функцияларига ажратиш мумкин, бу уларни батафсилроқ ёзишга имкон беради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бизнес жараёнларини ривожланиш (такомиллаштириш) жараёнларини алоҳида гуруҳга тақсимлаш замонавий менежмент эҳтиёжларига мос келади, чунки рақобатдошлик билан такомиллаштириш муваффақиятли фаолият учун зарур шартдир. Шаклланган бизнес жараёнлари самарадорлиги учун мунтазам равишда синовдан ўтказилиши керак.

Қўйидаги камчилик бухгалтерия ҳисоби бизнес жараёнларининг самарасизлигини кўрсатиши мумкин:

- бизнес жараёни жараёнида кўплаб хатолар, ҳосил бўлган маълумотларнинг паст сифати;

- ахборотни шакллантириш учун зарур бўлган бухгалтерия жараёнларининг йўқлиги;

- маълумот олиш харажатлари улардан фойдаланиш самарадорлигидан ошиб кетганда, ортиқча бухгалтерия жараёнларининг мавжудлиги;

- аниқ қоидалар, ҳисоб сиёсати, ички стандартларнинг зарурий мезонларига риоя қилмаслик;

- иш жараёнининг ортиқча баҳоланган муддати.

Жараёнларнинг самарасизлиги сабабларини таҳлил қилиш ва бартараф қилиш керак. Бизнес-жараёнларни самарали шакллантириш компанияни самарали бошқариш мақсадлардан бири бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сонли қарори 2020 йил 24 февраль.

2. Шеер, А.В. Бизнес-процессы. Основные понятия. Теория. Методы / А.В.Шеер. – М.: Весть-Метатехнология, 2008. – 182 с.

3. Международный стандарт исо 9000 системы менеджмента качества основные положения и словарь. Перевод В.А. Качалова от 09.09.2016 (взамен редакции от 22.02.2016). ИСО 9000:2015(Е).

4. Репин В., Елиферов В. Процессный подход к управлению. Моделирование бизнес-процессов. Манн, Иванов и Фербер, 2013.